

# Мундарижа

## Солиқ

Шұхрат МУСАЛИМОВ. Мол-мұлқ солигини ҳисоблаш ва үндіріш механизмини тақомиллаштириш 3

## Таҳдил

Омонуло ҲАМДАМОВ. Акциядорлық жамиятларыда портфел рискини баҳолашнинг математик-статистик үсуллари 9

## Агротуризм

Фирзуза РАХМАТУЛЛАЕВА. Агротуризм ва унинг мінтақа ривожланишига тәсіри 14

## Молиявий ҳисобот

Низомжон ҲАЖИМУРАТОВ. Молиявий ҳисобот ахборотларининг сифат тавсифлари 17

## Банк хизматлари

Зафар РҮЗИЕВ. Ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий баракорлигини таъминлашда банк хизматларининг ўрни 20

## Яширип иктисодиёт

Абдували ИСАДЖАНОВ. "Яшил иктисодиёт"ни ривожлантиришнинг инвестицион омиллари 25

## Жараён

Ойбек МАМАНАЗАРОВ, Дурдана ИНОЯТОВА, Равшан ҲАЛИЛОВ. Республикада күп хонадони уй-жойларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш йўллари 28

## Инновацион ғаолият

Бахтияржон МУЛЛАБАЕВ. Корхоналар инновацион ғаолиятини ривожлантиришда вертикаль интеграция жараёнларини татбиқ этиш 30

## Бошқарув қарорлари

Зоҳид СИДДИКОВ. Қишлоқ ҳўжаллик корхоналарыда бошқарув қарорларини қабула қилиши аҳамияти ва назарий жиҳатлари 33

## Сугурта

Наризга БАБАЕВА. Сугурта тизимида молиявий оқимлар ва ресурсларни шакллантириш жараённи асослари 36

## Ижтимоий хизматлар

Ўтқир РАЖАБОВ. Ижтимоий хизматлар бозори хусусиятлари 40

## Хориж тажрибаси

Немат ҲОЛМАТОВ. Хитояда саноатлашувни жадаллаштиришда кластерлаш модели хусусиятлари 43

## Туристик ресурслар

Зиядуда ТУРАЕВ. Сурхондарё мінтақасыда тарихий-маданий туристик ресурслар ва ундан фойдаланиш имкониятлари 48

## Инвестиция

Одина ТҮЙЧИЕВА. Тўқимачилик корхоналари ғаолиятида инвестициялар 52

## Корпоратив бошқарув

Фозил СОАТОВ. Корпоратив бошқарув моделларининг жаҳон тажрибаси 54

## Туризм

Абдуллажон МИРЗАЕВ. Ўзбекистонда туристик-рекреация хизматларини бошқариш жараёнига омиллар тәсірини баҳолаш 57

## Мінтақа иктисодиёті

Пахлавон РАХМОНАЗАРОВ. Ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва уларнинг таҳдилли 62

## Маҳаллий бюджет

Санобар ИСМОИЛОВА. Маҳаллий бюджетлар маблагларидан самарали фойдаланишини таъминлаш: ўтказилган назорат тадбирлари нималардан далолат бермоқда? 65

## Истиқбол

Илөсхон АЮБОВ. Ўзбекистон Республикасыда туризмнинг ЯИМдаги истиқбол уаушини прогнозлаш 70

## Хизматлар соҳаси

Абдумалик ОРИПОВ. Ўзбекистонда хизматлар соҳасини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолалаш 74

## Яширип иктисодиёт

Шұхрат ЕГАМБЕРДИЕВ, Сирохијдин МАХАТОВ. Яширип иктисодиёт: келиб чиқиш сабаблари, шакллари ва ўчаш үсуллари 78

## Солиққа тортиш

Нуридин ҲАЛИЛДИНОВ. Курилиш корхоналари фойдасини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари 80

## Бренд капитали

Нозима ЗУФАРОВА. Олий таълимда бренд капиталини ривожлантиришнинг назарий асослари 88

## Экспорт салоҳияти

Шұхрат ТЕМИРОВ. Экспорт салоҳияти ва мамлакатимизда уни оширишнинг устувор йўналишлари 92

# Содержание

## Финансовый рынок

Равшан ҚАЮМОВ, Фирузбек МАДАМИНОВ. Комплексный подход к раскрытию сущности финансового рынка 96

## Цифровые технологии

Ирина ЖУКОВСКАЯ. Цифровые платформы – основной инструмент трансформации информационных процессов в условиях формирования цифровой экономики 101

## Развитие ИКТ

Зухра ОТАКУЗИЕВА. Формирование, факторы и условия развития цифровой экономики в Узбекистане 106

## Государственное регулирование

Лариса ВДОВИЧЕНКО, Алла МАКУШИНА. Тенденции развития системы государственного регулирования и поддержки малого предпринимательства в Украине и Республике Узбекистан 114

## Инновации и финансы

Ольга ГИМРАНОВА. Инновационные технологии финансового сектора, ориентированные на клиента 123

## Цифровая экономика

Алфира САЙФУЛИНА. Региональные характеристики промышленной инфраструктуры в цифровой экономике 125

## Региональное сотрудничество

Гульчехра ИСАМУХАМЕДОВА. ШОС с точки зрения Узбекистана и возможные пути его дальнейшего развития 128

## Международные отношения

Мирзаҳмад МИРМУМИНОВ. Роль и место Узбекистана в современной системе международных экономических отношений 133

## Мировая экономика

Рахматжон МУХТАРОВ. Роль экономической дипломатии в реализации ВЭД Англии 137

## Информационные технологии

Нозимек РИХСИБОЕВ. Современные тенденции применения информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан в условиях формирования цифровой экономики 141

**ТАХРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ**

**ТАХРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Қаландар АБДУРАХМОНОВ**

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**ТАХРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

**Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

**Нагмет АИМБЕТОВ**

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**Юрий ОДЕГОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

**Игорь БУТИКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Фармонқұл ЭГАМБЕРДИЕВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин КАЛОНОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

**Адҳам БЕКМУРОДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин ПҮЛАТОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

**Дурбек АХМЕДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Бахтиёр ИСЛОМОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Баҳодир УМУРЗАКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

## Агротуризм ва унинг минтақа ривожланишига таъсири Агротуризм и его влияние на развитие региона Agritourism and its influence on the development of the region

Фируза РАХМАТУЛЛАЕВА,  
БухДУ доценти, и.ф.н.

### Аннотация

Мақолада агротуризм тушунчасининг моҳияти, минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги аҳамияти кўрсатилган.

В статье рассматривается сущность понятия «агротуризм» и его значение в социально-экономическом развитии региона.

This article highlights the essence of the concept of agritourism, its significance in the socio-economic development of the region.

Минтақаларда туризмнинг ривожланиши мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг таркибий қисми бўлиб, маҳаллий ва мамлакат миқёсидағи мавжуд ресурсларга асосланади. Туризм ҳудудларда аҳоли бандлигини оширади, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш обьектларини жойлаштиришда ҳудудий ресурслардан фойдаланади, уларни ривожлантиради, маҳаллий ва хорижий туристларнинг талабини қондириш орқали маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиради.

Ҳудудларда туризмнинг ривожланиши кўплаб минтақавий хусусиятларга асосланади. Уларнинг географик ўрни, ресурслари, молиявий аҳволи минтақалар учун туризмнинг ролини белгилашда асосий омил ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади-ки, мамлакатни жаҳон бозорида муваффақиятли тарғиб этишга унинг ўзига хос туризм дестинациялари ва йўналишларини ривожлантириш орқали эришилади. Кейинги йилларда агротуризм туризмнинг истиқболли йўналиши сифатида қаралмоқда.

Дунё бўйлаб сайёхлик соҳаси фаол ривожланиши даврини бошдан кечирмоқда. Анъанавий (фаол ва оммавий) дам олиш турлари билан бир қаторда янги, турли хил «яшил» саёҳатлар ривожланмоқда: “3С” (Sun, Sea, Sand) – қўёш, денгиз, қум – формуласи бўйича дам олиш ўрнига, “3L” (Landshaft, Lore, Leisure) – ландшафт, анъаналар, бўш вақт – формуласи таклиф этилади. Туризм

соҳасига ҳаётни экологиялаштириш гоясининг тарқалиши тобора катта таъсир кўрсатмоқда [1]. “Яшил саёҳатлар” дунёдаги энг машҳур туризм турларидан бири – яшил қишлоқ туризми (green rural tourism) ёки агротуризмда (agrotourism, agritourism, farm tourism) ўз тимсолини топмоқда.

Бугунги кунда “агротуризм” тушунчасининг кўп таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири унинг муҳим томонларини, ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Агротуризм туризм саноатидаги кенг кўламли ва ривожланаётган йўналиш бўлганлиги туфайли у учун энг мос келадиган таърифни танлаш жуда қийин.

Агротуризмга геодемографик нуқтаи назардан берилган таърифга кўра – бу аҳоли зичлиги паст бўлган ҳудудлардаги, шаҳар ташқарисидаги туризм. Рекреация нуқтаи назаридан эса бу – қишлоқ уйида яшашдан бошлаб, табиат бағрида хордиқ чиқариш, саргузашт саёҳатлар, маҳаллий аҳоли фаолиятида сайёҳларнинг бевосита иштирокига қадар бўлган турли хил хизматлар тўпламиdir [2].

Агротуризм – қишлоқ жойларида ташкил этилган фаолият тури бўлиб, у ташриф буюрувчиларга турар-жой, дам олиш, овқатланиш, эксперсия хизматлари, бўш вақт ва спорт тадбирларини ташкил этиш, балиқ ови ва овчилик, билим ҳамда кўнижмаларни эгаллаш каби комплекс хизматларни, шунингдек, туризмнинг фаол турлари билан

**Калит сўзлар:** туризм, агротуризм, минтақа ривожланиши, қишлоқ ҳудудлари.

шугулланиш имкониятини шакллантириш ва тақдим этишиň үз ичига олади. Агротуризм қишлоқ ҳудудларининг табиий, маданий-тарихий, ижтимоий ва бошقا ресурсларидан ҳамда туристик хусусиятларидан комплекс туризм маҳсулотини яратишида фойдаланишга қаратилгандир.

Кўплаб адабиётларда “агротуризм” тушунчасига таъриф берилганда, у сайдарни мавжуд бўлган ферма ёки қишлоқ ҳўжалиги корхонасига жалб қилишни үз ичига олади деган ёндашув етакчи ҳисобланади. Кўпинча, агротуризм сайдарнинг ушбу қишлоқ ҳўжалиги корхонасинг қишлоқ ҳўжалик фаолиятида фаол иштирок этишини қамраб олади.

Масалан, Америка Фермерлар Бюоролари Федерацииси (American Farm Bureau Federation) агротуризмни қуйидагича таърифлайди: “Агротуризм сайдарнинг дам олиш, таълим олиш ёки қишлоқ ҳўжалик корхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш мақсадида мавжуд фермага ёки қишлоқ ҳўжалиги корхонасига ташрифи билан боғлиқ бўлиб, у қишлоқ ҳўжалиги корхонасининг иқтисодий барқарорлигининг қўшимча омили ҳисобланади”. Бунда сайдарнинг корхона қишлоқ ҳўжалиги фаолиятида иштирок этиш шарти мажбурий ҳисобланмайди. Масалан, С. Раян, К. Дебод ва К. МакКелланларнинг таъкидлашларича, агротуризм қишлоқ ҳўжалиги фаолиятида иштирок этишини ва ёки сайдар фермада жойлашиши кераклигини үз ичига олади [3].

Яна бир америкалик олим К. Олленбург агротуризмни фермер ҳўжалигида ташкил қилинадиган ишларда бевосита қатнашиш, ҳўжалик иш фаолиятини кузатиш ҳамда ўқув курсларида иштирок қилиш билан боғлиқ хизматларни мижозларга таклиф қилиш деб ҳисобланади [4].

Қуйида агротуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилган:

1. Сайдар қишлоқ ҳўжалигидаги корхонага (ферма, қишлоқ ҳўжалиги меҳмонхонаси) ташриф буюради, у ерда тұнаши ёки қисқа муддатли экскурсияга ташриф буюриш мумкин.

2. Агротуризм мавжуд қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида (фермер ҳўжаликларида) ривожланиди ва улар учун қўшимча фаолият тури, қўшимча даромад манбаи ҳисобланади.

Қишлоқ ҳўжалиги корхонасига (ферма, қишлоқ ҳўжалиги меҳмонхонаси) ташриф буюришдан мақсад ҳар хил бўлиши мумкин: бу қишлоқ

ҳўжалиги фаолиятида қатнашиш тажрибаси (узум йигиш, сигир соғиши, пишлоқ тайёрлашда иштирок этиш), таълим-тарбиявий мақсадлар, табиий маҳаллий маҳсулотлардан татиб қўриш ва шунчаки дам олиш.

Жаҳон туризм индустрясининг жадал ривожланиб бораётган сегментларидан бири бўлган агротуризмга истеъмолчилар эҳтиёжнинг ошиб боришини қуйидаги сабаблар изоҳлайди:

- молиявий – энг арzon туризм турларидан бири ҳисобланади;

- эстетик – қишлоқ ҳудудининг табиий манзаралари, уларнинг жозибадор ўзига хос жиҳатлари сайдарнинг “руҳий ва маънавий куч-қувват манбаи” учун ажойиб имкониятдир;

- экологик – аграр секторда атроф-муҳитга бўлган техноген таъсир ўта шаҳарлашган ҳудудларнинг ўхшаш кўрсаткичларидан бир неча баробар пастдир;

- балнеологик – ушбу турдаги ландшафтлар ўзининг экологик тоза таркиби туфайли потенциал истеъмолчилар учун соғломлаштириш ва даволаш функцияларни бажаради [5].

Агротуризм минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга:

- агротуризм – ноаграп тадбиркорлик шакли бўлиб, қишлоқ жойларида оиласалар учун қўшимча ёки муқобил даромад манбаи бўлиб хизмат қиласди;

- агротуризм тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилишнинг қулай стратегияси бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги инфратузилмаси, меҳнат ёки ускуналарга ортиқча сармоя киритишни талаб этмайди;

- фермерлар мавжуд ресурслардан фойдаланиб, ўз фаолиятлари доирасида турли хил хизматларни таклиф қилишади;

- туризм фаолиятининг асосан қишлоқ ҳўжалиги фаолияти билан шугулланадиган қишлоқ ҳудудларига интеграцияси, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши;

- инновацион фаолиятнинг ривожланиши – қишлоқ жойларида бир-бирига ўхшамаган, мавжуд табиий ресурслар асосида янги туристик маҳсулотлар ва хизматлар яратилади ҳамда таклиф этилади.

Холоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, агротуризм қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланувчи ҳудудларда тадбиркорликни ди-

# — АГРОТУРИЗМ —

версификация қилиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш орқали меҳнат салоҳиятининг бандлик даражасини ошириш муаммосини ҳал қиласди. Шу билан бирга агротуризм улкан тарбиявий ва-зифани бажаради ҳамда фуқароларни ватанпарварлик, миллий онг ва табиатга хурмат руҳида

тарбиялаш, қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг моҳияти ҳамда муаммоларини тушунишга кўмаклашади. Бундан ташқари, агротуризм нисбатан арzon, аммо жуда ижобий ва айни пайтда дам олишнинг фаол, рекреацион ҳамда соғломлаштириш тури ҳисобланади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Баландин Ю. На деревню к дедушке. Осеню сельский туризм переживает пик популярности // Российская Бизнес-газета, 2012 г. 25 сентября. № 865 (36). <http://www.naturs.Ru>
2. Никитина О. А., Кушнаренко Е. П. Уточнение понятийного аппарата в развитии теории и практики регионального сельского туризма // Вестник Чувашского университета. Изд-во ЧГУ им. И. Н. Ульянова, 2010 г. С. 400–405.
3. Ryan S., DeBord K., McClellan K. Agritourism in Pennsylvania: An Industry Assessment. Pennsylvania, 2006 г. – 22 р.
4. Ollenburg, C. (2006). Farm tourism in Australia: a family Business and rural studies perspective. Doctor of Philosophy Christian-Albrechts University of Keil (Germany) and Griffith University (Australia).
5. Арцыбашев Д.В., Алюшин Р.Е., Воинова Н.Е. Предпосылки развития агротуризма на территории Курской области // Экспериментальные и теоретические исследования в современной науке: сб. ст. по матер. VIII междунар. науч.-практ. конф. № 8(8). – Новосибирск: СибАК, 2017 г. – С. 25-31.